

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.28/30.12.2019.Ped 68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**САДИЕВ ВАЛИЖОН АЛИЖОНОВИЧ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Садиев Валижон**

Олий таълим муассасаси трансформациясининг ташкилий-педагогик шароитларини яратиш..... 3

**Садиев Валижон**

Создание организационно-педагогических условий для трансформации ВУЗов..... 24

**Sadiev Valijon**

Creation of organizational and pedagogical conditions for the transformation of higher education institutions..... 44

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published work ..... 53

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.28/30.12.2019.Ped 68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ  
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**САДИЕВ ВАЛИЖОН АЛИЖОНОВИЧ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped2049 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.mdomoi.uz](http://www.mdomoi.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эргашов Ёқуб Сувонович**  
Физика-математика фанлари доктори,  
доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Курбанов Шавкат Эргашевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Исмаилова Зухра Карабаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:**

Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогика университети

Диссертация ҳимояси А.Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “25” январь соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; E-mail: [avloniy@xtv.uz](mailto:avloniy@xtv.uz)).

Диссертация билан А.Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; E-mail: [avloniy@xtv.uz](mailto:avloniy@xtv.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил “12” январь куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_25\_” январь даги \_\_\_1\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

  
**М.А.Юлдашев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

  
**М.Д.Парласва**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

  
**Ш.И.Пахрутдинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси илмий семинар  
раиси, с.ф.д., профессор



## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда таълимнинг глобаллашуви ва ахборотлар оқимининг тезкор ривожланиши жараёнларида олий таълим муассасаларининг трансформацияси муҳим йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. ЮНЕСКО нинг олий таълим квалификацияларини тан олиш тўғрисидаги Глобал конвенциясида олий таълим муассасаларида тайёрланадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг инновацион ривожланишини таъминлаш олий таълим муассасаларидаги трансформацион жараёнлар билан узвий боғлиқлиги алоҳида қайд этилади. Бу ўз навбатида олий таълим муассасаларидаги таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, таълимдаги инновацион жараёнлар ҳамда рақамли технологияларга асосланган трансформацион жараёнларни тақозо этмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида олий таълим муассасаларининг инновацион салоҳиятини ошириш, уларни замонавий таълим кампуси сифатидаги ижтимоий-маданий мавқеини мустаҳкамлаш, креатив-илмий инфраструктурасини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мазкур жараёнларда илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларидан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари трансформациясининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини яратиш, рақамли технологияларни татбиқ этишнинг самарали механизмларини жорий этиш, таълим хизматларини диверсификациялаш ҳамда сифат менежменти тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларини нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда трансформация қилиш, рақамли таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида билимлар трансферини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “Илм-фан тараққиётига кўмаклашадиган замонавий ахборот муҳитини шакллантириш, олий таълим муассасаларининг инновацион инфратузилмасини шакллантириш, уларнинг трансформациясини ривожлантириш”<sup>1</sup> вазифалари белгиланди. Бу эса олий таълим муассасалари трансформациясининг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини яратиш ва унинг ташкилий-бошқарув, педагогик механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги ПҚ-5847-сон фармон.

сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 октябрдаги 655-сон “Олий таълим муассасаларини нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантириш ва инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимида кадрлар тайёрлаш мазмуни, сифати, таълимни интернационаллаштириш жараёнларида олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлигини бошқариш, олий таълимни ривожлантиришда бенчмаркингни жорий этиш, таълим жараёнига инновациялар, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид илмий тадқиқотлар Р.Джўраев, Ш.Қурбонов, У.Бегимкулов, Ф.Закирова, Н.Муслимов, Қ.Олимов, Ш.Шарипов, Н.Эгамбердиева, Т.Шоймардонов, П.Лутфуллаев, Ш.Юнусов, А.Обидовлар томонидан олиб борилган.

Таълим тизими менежменти, олий педагогик таълим тизимида инновацион менежментни шакллантириш, стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини жорий этиш, педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини шакллантириш, малака ошириш муассасаларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш механизмлари Ж.Йўлдошев, У.Иноятов, Я.Исмадияров, С.Турғунов, М.Юлдашев, М.Мирсолиева, У.Ходжамкулов, Б.Усманов, А.Джураев, М.Матназарова, Ғ.Отамуродов, М.Инназаровларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Олий таълимда сифат менежменти услубиёти, университет таълими трансформацияси, замонавий таълим парадигмасида университетларнинг ижтимоий-маданий ва таълимий вазифалари масалалари В.Гумбольдт, Дж.Ньюмен, К.Ясперс, Дж.Хоккинс, Д.Бартрам каби хорижлик олимлар, шунингдек, Н.Абрамова, Б.Гершунский, К.Колин, Ю.Татур, Т.Базаров каби МДҲ мамлакатлари олимлари томонидан ўрганилган.

Олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, олий таълимда кластерли ёндашувни

жорий этиш масалалари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлсада, бироқ инновацион таълим шароитида олий таълим муассасаларини трансформациялашнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини аниқлаш ва ташкилий-бошқарув механизмларини белгилаш, шунингдек, таълим менежменти тамойилларига асосланган ҳолда уларни такомиллаштириш масалалари махсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2015-2017 йилларда ЭРАСМУС+ дастури доирасидаги 561624-EPP-1-2015-1-UK-EPPKA2-SBHE-SP: IMEP: “Интернационализация и модернизация образования и процессов в высшем образовании Узбекистана” ва 2019-2020 йиллар Ўзбекистон-Беларусь ҳамкорлигидаги “Замонавий АКТ дан фойдаланган ҳолда педагог кадрлар тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини ишлаб чиқиш” лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқот мақсади** олий таълим муассасаси трансформациясининг ташкилий-педагогик шароитларини яратиш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

таълимдаги инновацион жараёнларда ОТМ трансформациясининг ижтимоий-педагогик зарурати, мазмунини илмий-педагогик жиҳатдан асослаш;

инновацион таълим шароитида олий таълим муассасаси трансформациясининг ташкилий-педагогик шароитларини аниқлаш;

олий таълим муассасаси трансформациясини амалга оширишнинг босқичларини аниқлаштириш, ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаси трансформациясининг ташкилий-педагогик шароитларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълим муассасаси трансформациясининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини яратиш жараёни белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** олий таълим муассасаси трансформациясининг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг методлари.** Тадқиқот жараёнида педагогика, психология ва ахборот-коммуникацион технологиялар соҳасига оид адабиётларни ўрганиш; форсайт таҳлил, анкета; тест; суҳбат; моделлаштириш; педагогик кузатиш; интервью; педагогик тажриба; эксперт баҳолаш; математик-статистик методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

таълимдаги инновацион жараёнларда ОТМ трансформациясини амалга ошириш мазмуни ижтимоий-маданий ва инновацион ривожланиш

соҳаларининг бошқарув ва ташкилий тузилма ҳамда ўқитиш тизимлари ўртасидаги кооператив уйғунлигига устуворлик бериш орқали асосланган;

олий таълим муассасаси трансформациясининг ривожланиш йўналишлари (ташкилий-тузилмавий, фаолиятли, антропологик, рақамли) мазмуни ва кўрсаткичлари матрицаси, барқарор-инновацион ривожланиш (трансформациядан кейинги) кўрсаткичларини белгилаш орқали такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаси трансформациясининг ташкилий-педагогик шароитлари олий таълим муассасаси трансформациясини амалга оширишнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш модели компонентлари (ташкилий-тайёргарлик, амалий-технологик, натижавий-маҳсулдорлик, коррекциялаш) мазмунига стратегик таҳлил ва иновацион менежментни жорий қилиш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаси раҳбар кадрларининг трансформацион етакчилигини ривожлантириш мазмуни, трансформация жараёнларида бошқарув компетентлигини тавсифловчи интеллектуаллик, эмоционал барқарорлик, ностандарт фикрлаш, метакогнитив фаоллик каби касбий сифат кўрсаткичлари асосида аниқлаштирилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

олий таълим муассасалари трансформациясининг мазмун моҳияти очиб берилган, трансформация босқичлари, мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

олий таълим муассасалари трансформациясининг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш, баҳолаш ва динамик ривожланиш даражасини белгиловчи очик электрон мониторинг тизими яратилган;

олий таълим муассасалари трансформациясининг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришга йўналтирилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотнинг услубий ҳамда методик асосга эгаллиги; кўп босқичлилиги; босқичлар (асословчи ва таълимий тажриба) ўртасидаги фарқлар асосида тавсия этилган методика самарадорлигининг аниқланганлиги; тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил қилишнинг репрезентативлиги; олинган маълумотларнинг ҳаққонийлиги; олинган эмпирик қийматларнинг ишончли математик-статистик методлар ёрдамида таҳлил қилинганлиги; олинган натижалар асосли эканлигининг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари трансформациясининг мазмуни, босқичлари, шакл, метод ва воситаларининг аниқлаштирилганлиги, трансформацион муҳитни ривожлантириш механизмларининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасалари трансформациясининг самарадорлик даражасини баҳолаш жараёнини бошқариш моделининг ишлаб чиқилганлиги, очик электрон-мониторинг



тизимини квалитетлик таҳлилларга асосланган SMART технологияларни киритиш асосида такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим муассасаси трансформациясининг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини яратишга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

таълимдаги инновацион жараёнларда ОТМ трансформациясини амалга ошириш мазмуни ижтимоий-маданий ва инновацион ривожланиш соҳаларининг бошқарув ва ташкилий тузилма ҳамда ўқитиш тизимлари ўртасидаги кооператив уйғунлигига устуворлик бериш билан боғлиқ тақлифлардан олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйилган малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 5 февралдаги 89-03-5243-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини касбий инновацион билиминини ривожлантиришга хизмат қилувчи малака ошириш курсларининг ўқув режа ва дастурлари мазмуни такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаси трансформациясининг ривожланиш йўналишлари (ташкилий-тузилмавий, фаолиятли, антропологик, рақамли) мазмуни ва кўрсаткичлари матрицаси барқарор инновацион ривожланиш (посттрансформацион) кўрсаткичларини белгилаш билан боғлиқ тақлифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 октябрдаги 655-сон “Олий таълим муассасаларини нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда трансформация қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 5 февралдаги 89-03-5243-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасалари трансформациясининг норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-педагогик шароитларини яратиш механизмлари такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаси трансформациясининг ташкилий-педагогик шароитлари олий таълим муассасаси трансформациясини амалга оширишнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш модели ҳамда олий таълим муассасаси раҳбар кадрларининг трансформацион етакчилигини ривожлантириш билан боғлиқ илмий-амалий ишланмалар, Ўзбекистон-Беларусь ҳамкорлигидаги “Замонавий АКТ дан фойдаланган ҳолда педагог кадрлар тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини ишлаб чиқиш” лойиҳаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 89-03-5243-сон маълумотномаси). Мазкур лойиҳа олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг узлуксиз тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 10 тага яқин илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан педагогика фанлари бўйича фалсафа

фанлари доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 147 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий этилиши ва эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаси трансформациясининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида таълимдаги инновацион жараёнларда ОТМ трансформациясининг ижтимоий-педагогик зарурати, олий таълим муассасаси трансформациясининг мазмуни, ташкилий-тузилмавий аспектлари, олий таълим муассасалари трансформацияси борасидаги хорижий тажрибалар ёритилган.

Жамиятда кечаётган ўзгаришлар, юзага келаётган янги ижтимоий муносабатлар барча соҳада бўлгани каби олий таълим тизимини модернизациялаш ва олий таълим муассасаларининг инновацион маданиятини ривожлантиришни тақозо этади. Таълим тизимидаги инновацион жараёнлар пухта асосланган механизмнинг мавжудлиги, замонавий ахборот-таълим ресурсларига эгалик, таълим сифатини ошириш, кадрлар салоҳияти, таълим-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига асосланган трансформацион инновацияларни жорий этилиши кутилган натижаларни кўлга киритиш имконини беради.

Дарҳақиқат, ОТМ фаолиятини инновацион таълим муҳитидаги трансформациясининг моҳияти, тамойиллари, босқичлари, ташкилий-педагогик шарт-шароитларини аниқлаш, уларни амалга оширишнинг самарали механизмларини белгилаш замонавий педагогик тадқиқотлар предмети сифатида майдонга чиқмоқда.

Бизнинг назаримизда, олий таълим муассасаларидаги инновацион ёндашувларга асосланган таълим муҳити ва касбий ривожланиш жараёнлари таълим сифатини оширишга қаратилган таълим мазмуни ва технологияларини ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий ҳамда иқтисодий соҳалардаги инновацияларга ҳамда шахс эҳтиёжларига йўналганлигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида олий таълим муассасаларининг инновацион фаолияти мазмунини такомиллаштириш, халқаролаштириш, таълим сифатини ошириш, таълим-тарбия ва бошқарув жараёнларининг инновацион шакл ва методлари,

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш асосидаги трансформацион жараёнлар заруратини шакллантиради.

Трансформация (ингл. transformation) бу маълум бир ижтимоий-маданий бирлашма ёки яхлитликнинг кризисга учраши натижасида унинг ташқи таъсирлар натижасида янгитдан пайдо бўлиши ва ривожланиши сифатида тушунилади.

Таълимдаги трансформацион жараёнлар эса, таълим жараёнларини модернизациялаш, илғор хорижий тажрибалар, инновацион ёндашувлар воситасидаги янгиланиш, ўзгариш жараёнлари сифатида тушунилади.

Мавжуд илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, таълимдаги трансформацион жараёнлар университетларнинг бутун тарихий ривожланиш босқичларида таълим ва жамоат муассасаси сифатидаги миссиясини ўзгариши ва такомиллашуви билан ҳамоҳанг ҳолда ривожланган.

Олий таълим муассасаси трансформацияси эса, бизнинг фикримизча, олий таълим муассасаси фаолиятидаги у ёки бу кўринишдаги локал ўзгаришлардан фарқли равишда, унинг миссияси, жамият ва давлат олдидаги вазифалари, фаолиятини ташкил этиш шакллари ва технологияларининг қайтадан ташкил топиши билан тавсифланади. Шу нуқтаи назардан, трансформацион ўзгаришлар олий таълим муассасасининг мавжуд ҳолатидан инновацион характердаги замонавий фаолиятга ўтиши билан боғлиқ чоратadbирларни тақозо этади.

Тадқиқотчилар В.Гумбольдт, Дж. Ньюмен, Дж.Хоккинс, Й.Виссема, Н.Абрамова, Б.Гершунский, К.Колин, Ю.Татурлар университет таълими трансформацияси, замонавий таълим парадигмасида университетларнинг ижтимоий-маданий, таълимий миссияси масалалари хусусида тўхталиб, университетлар трансформациясининг методологик асосларини ёритади.

Мазкур тадқиқотларда илгари сурилган илмий-методологик ёндашувларга асосланиб, олий таълим муассасалари трансформациясининг ривожланиш босқичлари университетлар фаолиятидаги институционал-фаолиятли ҳамда бошқарув тизимидаги ўзгаришларга таянган ҳолда қуйидагича ёритилди:

**Университет - 1.0** - таълим мақсадларига йўналтирилган жамият институти. Билимлар намоиши, талабалар иқтидорини ривожлантириш, анъанавий иқтисодиёт соҳалари учун кадрлар тайёрлаш жараёнларида ижтимоий лифт вазифасида майдонга чиққан.


**Университет - 2.0** - Таълим ва тадқиқотчилик мақсадларига йўналтирилган жамият институти. Классик немис университетлари модели (Гумбольд) га асосланган, асосий йўналишлари тадқиқотчилик фаолияти орқали янги билимларни генерациялаш; меҳнат бозори субъектлари учун консалтинг хизматларини кўрсатиш; саноат ва ҳамкорлар буюртмалари асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш, технологиялар яратиш.

**Университет - 3.0** - Таълим, тадқиқотчилик ва тижоратлаштириш мақсадларига йўналтирилган жамият институти. Технологияларни тижоратлаштириш фаолиятидаги бизнес билан самарали ҳамкорлик. Таълим хизматлари диверсификацияси.

**Университет - 4.0** - Экотизимни ривожланиши. Билимлар капитализацияси, юқори технологиялар соҳасидаги лидерлик, виртуал фаолият.

Олий таълим муассасалари трансформацияси хақида сўз борар экан, унинг ижтимоий-педагогик заруратини олий таълим олишни хоҳловчи талабалар сонининг ортиши, глобаллашув, Болонья жараёнлари, фанлараро тадқиқотларнинг ривожланиши, университетлар учун янги имкониятлар эшигини очувчи илғор илмий-тадқиқотлар ҳажмининг ортиши, ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот институтларини яратиш, университетларни иқтисодий ривожлантиришдаги муҳим бўғин сифатидаги мавқеини ортиши, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик, тадбиркорлик ва тижоратлаштириш фаолияти билан шуғулланиш эҳтиёжининг ортиши каби омиллар билан ҳам боғлаш мумкин бўлади.

Халқаро тажрибалар таҳлилидан маълум бўладики, таълимни трансформациялаш шароитида олий таълим муассасаси инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий зарурияти глобаллашув жараёнлари иқтисодий ва сиёсат билан бирга таълим, маданият, илм-фанни ҳам қамраб олаётганлиги, таълимнинг ривожланиш истиқболлари нафақат ягона Европа худуди, балким глобал таълим интеграциясига йўналтирилаётганлиги билан асосланади. Биз олиб борган илмий-педагогик таҳлилларимиз ҳамда эмпирик кузатишларимиз асосида олий таълимнинг замонавий парадигмаси (моделли)даги устувор йўналишлар, трендлар хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда қуйидагича шакллантирилди (1-расм).



**1-расм. Олий таълимнинг замонавий парадигмасидаги асосий трендлар**

Халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, олий таълим муассасаларини трансформация қилиш, уларнинг миллий ва жаҳон рейтингидаги фаоллик

даражасини оширишга қаратилган стратегияларнинг қуйидаги моделлари мавжуд:

Биринчи модель - ғолибларни аниқлаш, уларни саралаш, яъни давлат томонидан трансформация қилиш имкониятига эга бўлган мавжуд олий таълим муассасалари ўртасида очиқ танлов ўтказиш йўли билан саралаш, ғолибларни танлаш ҳамда мавжуд университетларни модернизация қилиш;

Иккинчи модель - бу гибрид формула, яъни давлат томонидан мавжуд қатор университетларни бирлаштириш ва янги флагман университетга айлантиришга ёрдам бериш, хусусан, жаҳон даражасидаги инновацион муассасага хос бўлган синергияни таъминлаш;

Учинчи модель - янгидан жаҳон даражасидаги замонавий университетни ташкил этиш, уларни бошқариш ва фаолиятини ташкил этишнинг инновацион тамойиллари асосида шакллантириш, ижодий, тадқиқотчилик ва лойиҳалаштириш фаолияти, шунингдек, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали ҳамкорлигини ўзида мужассамлаштириган таълим кампусларини яратиш.

Мазкур моделлар олий таълим муассасаси трансформацияси жараёнида уларнинг инновацион фаолиятини таъминлайдиган яхлит ёндашув сифатида университетлар фаолиятини ташкилий-институционал, бошқарув, мазмунли-технологик ҳамда натижавий-баҳолаш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳолатда қаралганда ўзининг ижобий самарасини беради.

**“Олий таълим муассасаси трансформациясини амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шароитларини яратиш механизмлари”** деб номланган иккинчи бобда инновацион таълим шароитида олий таълим муассасаси трансформациясининг асосий йўналишлари мазмуни, олий таълим муассасаси трансформациясини амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шароитлари ҳамда раҳбар кадрларнинг инновацион компетентлиги - олий таълим муассасаси трансформациясини ривожлантиришда муҳим омил сифатидаги ўрни илмий-педагогик жиҳатдан асосланди.

Бизнинг фикримизча, ОТМ трансформацияси – бу ташқи ва ички инвестициялардан самарали фойдаланиш асосида муассасанинг илмий-инновацион салоҳиятини ошириш, таълим, илмий-тадқиқотлар, ишлаб чиқариш интеграцияси асосида инновацион ривожланиш траекториясини кенгайтириш; таълим хизматларини диверсификациялаш, тижоратлаштириш ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун қулай ривожлантирувчи муҳитни, зарурий шарт-шароитларни яратиш; халқаролаштириш ва мобиллик тамойиллари асосида олий таълим муассасасининг замонавий имиджини шакллантириш каби йўналишларда ўз аксини топади. Олий таълим муассасаси ҳудудидаги субъектлар: администрация, профессор-ўқитувчилар, ходимлар ҳамда талабаларнинг ўзаро ҳамкорлик жараёни, интеракцияси муҳим омил саналади.

Назарий ҳамда амалий таҳлил натижаларига кўра, ОТМ трансформациясини амалга ошириш жараёнининг йўналиши, мақсади, вазибалари, характери ва мазмуни тадқиқот муаммосини ҳал қилишга йўналтирилган фаолиятнинг қуйидаги йўналишларда ташкил этилиши кутилган натижаларга эришишга имкон бериши аниқланди (2-расм).



**2-расм. Олий таълим муассасаси трансформациясининг асосий йўналишлари**

Олий таълим муассасалари трансформациясининг барқарор фаолият юритиши ва ривожланишдаги узлуксизлигини таъминлашда муваффақият гарови улардаги барча ички элементлар (кадрлар, таълим-тарбия жараёнлари, талабалар, ички сифат назорати) фаолиятини мувофиқлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни оптималлаштириш, шунингдек, ташқи муҳит билан (давлат, жамият, иш берувчилар, жамоатчилик, ота-оналар, ташқи таълим сифати назорати) оптимал муносабатларни ривожлантириш, ягона экотизим сифатида рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қилувчи ташкилий педагогик шарт-шароитларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотимиз доирасида олиб борилган эмпирик ўрганишлар ва назарий таҳлилларга таянган ҳолда, олий таълим муассасалари трансформациясининг ташкилий шарт-шароитлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатдик:

- ОТМ трансформациясини амалга ошириш Стратегияси, норматив-меъёрий асосларининг белгиланганлиги;
- мустақил таълим сифати менежменти тизимининг жорий этилганлиги;
- ОТМ трансформациясига таъсир этувчи ташқи, ҳудудий, молиявий омиллар;
- технологиялар трансфери, халқаролаштириш борасидаги ташаббусларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;
- кадрлар таъминоти, академик менежмент кабилардир.

Педагогик шарт-шароитлар сифатида эса:

- ОТМнинг трансформацион маданиятининг шаклланганлиги, раҳбар ва педагог кадрларда трансформацион лидерлик компетенцияларининг ривожланганлиги;

- моддий-техник таъминотнинг яратилганлиги;

- бошқарув ва таълим-тарбия жараёнига рақамли технологияларнинг жорий этилганлиги;

- инновацион ёндашувлар асосида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг таъминланганлиги;


- таълим хизматларини тижоратлаштириш механизмларининг жорий этилганлиги;

- таълим мазмунининг меҳнат бозори талабларига йўналганлиги кабилардир.

Шунингдек, тадқиқотларимиз жараёнида ОТМ трансформациясининг ривожланиш йўналишлари мазмуни ва посттрансформацион кўрсаткичлари аниқлаштирилди. Бунда университетлар трансформациясининг асосий 10 та кўрсаткичи аниқлаштирилди, мазкур кўрсаткичлар кесимидаги трансформацион жараёнлар мазмуни, индикаторлари ва диагностик-баҳолаш тизими ишлаб чиқилди. Бунда ОТМ трансформацион жараёнлар йўналиши, мақсади, вазифалари ва мазмуни натижадорлигини назорат қилиш ва мониторингини олиб боришда Форсайт (Foresight) методологияси, эксперт панеллари, Дельфи сўровнома, PEST таҳлил самарали стратегиялар сифатида белгиланди.

Назарий таҳлил, экспертлар фикри ва ОТМ фаолиятини педагогик кузатиш асосида ташкилий-педагогик шарт-шароитларни самарадорлиги ОТМ трансформациясига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, таҳлил этиш асосида ҳар бир йўналиш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг белгиланиши, шунингдек, трансформацион жараён механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи моделнинг ишлаб чиқилиши ва уни амалиётга кенг жорий этилиши кафолати бўлади. Тадқиқот муаммосининг умумий моҳияти, уни ижобий ҳал қилишга бўлган илмий-педагогик ёндашув натижасида ОТМ трансформациясини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш моделини ишлаб чиқишга эришилди (3-расм).

Мазкур моделда олий таълим муассасаларининг трансформацияси механизмларини такомиллаштириш ижтимоий-маданий мослик; рақамли бошқарув, синергетик, инновацион ва тизимли ёндашувлар; мақсадли йўналтирилганлик, асосланганлик, тизимлилик, синергия, мослашувчанлик, шахс ва меҳнат бозори эҳтиёжларига йўналтирилганлик тамойиллари нуктаи-назаридан асосланди. Таклиф этилаётган комплексли ёндашув қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) ички ва ташқи талабларни, омилларни ҳисобга олиш; 2) квалиметрик (сифат ва сон) кўрсаткичларини ҳисобга олиш; 3) трансформация натижаларини шаффоф баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, мазкур жараёнларга



**3-расм.** Олий таълим муассасаси трансформациясини амалга оширишнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш модели



таълим хизматларининг истеъмолчиларини кенг жалб этиш; 4) якуний натижаларнинг ижтимоий-маданий, иқтисодий қийматларини таққослаш, мониторингини олиб бориш. Олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш, трансформациясини амалга ошириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштиришда раҳбар кадрларнинг касбий компетентлиги, хусусан, уларнинг жамиятдаги ўзгаришлар ва янгиликларга тезкор мослашувчанлигини таъминловчи инновацион компетентлиги, трансформацион етакчилиги муҳим аҳамият касб этади.

Трансформацион лидерлик (Transformational leadership) назариясининг асосчиларидан бири Бернард Басс (Bernard Bass) трансформацион лидерликнинг асосини ходимларни бошқаришда интеллектуал қўллаб-қувватлаш, индивидуал ёндашув, психологик ёрдам, метатаҳлилларга асосланган қарорлар қабул қилиш ҳамда жамоавий қизиқишларнинг устуворлигини таъминлашга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлар билан белгилайди.

Илмий адабиётлар таҳлилларидан маълум бўладики, трансформацион лидерлик - инновацион ривожланиш жараёнларида ходимларнинг маънавий руҳи, мотивациясини шахсга йўналтирилган турли механизмлар ёрдамида кучайтириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган тактика ва стратегияларни тўғри танлай олиш билан ҳам белгиланади. Бунда раҳбар кадрларнинг корпоратив маданият, инновацион менежмент моҳиятидан хабардорлиги; инновацион менежментга оид халқаро тажрибани ўзлаштириш малакасига эгаллиги; фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган тактика ва стратегияларни тўғри танлай олиши ҳамда интеллектуаллик, эмоционал барқарорлик, ностандарт фикрлаш, метакогнитив фаоллик каби касбий сифатларга эгаллиги аҳамиятли саналади.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаси трансформациясини амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шароитларини яратиш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида олий таълим муассасаси трансформациясини амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шароитларини такомиллаштиришга оид педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш босқичлари ва натижаларнинг таҳлили келтирилган.

Назарий ва эмпирик таҳлил натижасида чиқарилган хулосаларга асосланиб, ишнинг педагогик тажриба-синов қисмини лойиҳалаштиришда олий таълим муассасалари трансформациясини амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини аниқлаш ва бу жараёнга тизимли ёндашиш орқали раҳбар кадрларнинг мазкур соҳадаги касбий билим, кўникма ва малакасини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, педагогик йўналишда олиб бориладиган илмий тадқиқотлар ўзининг ташкилий-методик асосларига таяниб, қуйидаги босқичларда лойиҳалаштирилади:

1) тадқиқот учун танланган муаммонинг ижтимоий-педагогик, психологик моҳиятини тўғри англаш ва долзарблик даражасини аниқлаш, унинг концептуал ва мақбул ечимини топиш йўллари ҳамда вазифаларини оқилона белгилаш мақсадида ташкил этилувчи назарий-прогностик таҳлил

(Дельфи сўровномалар, ОТМ фаолияти натижадорлигини эксперт баҳолаш, анкета, тест, суҳбат методлари асосида);

2) мавжуд манбаларга таянган ҳолда танланган муаммонинг ижобий ечимини самарали топиш мақсадида тадқиқотчи томонидан илгари суриладиган илмий фараз ва назарий ғоялар асосида махсус методикани шакллантиришга йўналтирилган амалий фаолият;

3) шакллантирилган махсус методиканинг тадқиқот объекти сифатида танланган олий таълим муассасаларининг ўқув-тарбия, бошқарув амалиётига татбиқ этилиши ва унинг самарадорлик даражасини белгилаш билан боғлиқ экспериментал босқич.

Тажриба-синов ишлари мазкур ОТМ базасида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ негизида ташкил этилган раҳбар кадрларни тайёрлаш курсларига жалб этилган респондент-тингловчилар иштирокида амалга оширилди. Синов ишларига тажриба майдонлари сифатида қабул қилинган ОТМдан жами 214 нафар респондент-тингловчи жалб этилди. Белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда тажриба-синов ишларининг ҳар бир босқичида ўзига хос вазифалар ҳал этилди. Шу нуқтаи назардан, шакллантирувчи тажриба-синов ишлари жараёнида раҳбар кадрларнинг трансформацион жараёнлар мазмунидан хабардорлик даражаси, улардаги трансформацион етакчилик ҳамда ўзгаришларни бошқариш соҳасидаги кўникма ва компетенцияларни ривожлантириш дастурини синовдан ўтказиш, самарадорлигини баҳолашга эътибор қаратилди. Мазкур босқичда муаммоли маърузалар, бинар маърузалар, онлайн маърузалар, кейс, вазиятли топшириқлар, интервью, тренинглар, ўқув лойиҳаларини бажариш, бошқарув фаолиятини SWOT таҳлили, эксперт баҳолаш каби ривожлантирувчи методлар қўлланилди.

